



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » май

№ 324

Toshkent sh.

Хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутивчи Хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

фуқаро авиацияси аэродромларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун сўровномани тақдим этиш ва рухсатнома бериш тартиби;

бир марталик парвозни амалга ошириш учун тақдим этилиши шарт бўлган маълумотлар рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси ҳаво худуди орқали транзит парвозни амалга ошириш учун сўровномани тақдим этиш муддатлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов хамда Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил **“23”** майдаги **324** сон қарорига
илова

**Хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг
эксплуатантлариға бир марталик парвозни амалга ошириш учун
рухсатнома бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантлариға Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромлариға бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

2. Ҳаво ҳудудидан фойдаланишга сўровнома тақдим қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низом билан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Аэронавигация маълумотлари тўпламида эълон қилинади.

3. Хорижий давлатларнинг давлат ва экспериментал авиацияси ҳаво кемаларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудида хорижий давлатлар ҳаво кемаларининг парвозлариға маҳсус дипломатик рухсатномалар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи – Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромлариға бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома олиш мақсадида Агентликка ёзма сўровнома билан мурожаат қилган хорижий давлат авиация маъмурияти, фуқаро авиацияси ҳаво кемасининг эксплуатанти ёки улар томонидан ваколат берилган вакил;

аэродром – қуруқлиқдаги ёки сув сатҳидаги маҳсус жиҳозланган, ҳаво кемаларининг келиб қўниши, жўнаши ва шу сатҳ бўйлаб ҳаракатланиши учун тўлиқ ёки қисман мўлжалланган, шунингдек, бинолар, иншоотлар ҳамда анжомлар жойлашган участка;

аэропорт – ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишга, ҳаво транспортида ташишга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэропокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуаси;

бир марталик парвозни амалга ошириш учун сўровнома – ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома олиш мақсадида белгиланган муддатларда тақдим қилинган сўровномаси;

бир марталик парвоз – хорижий давлат фуқаро авиацияси ҳаво кемасининг Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларига жадвалда назарда тутилмаган бир марталик парвози;

рухсатнома – хорижий давлат фуқаро авиацияси ҳаво кемасининг эксплуатантига Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун Агентлик томонидан берилган расмий ҳужжат;

транзит парвоз – ҳаво кемасининг Ўзбекистон Республикаси ҳаво худуди орқали қўнмасдан амалга оширган парвози;

ҳаво кемаси – атмосферада ўзининг ҳаво билан ўзаро таъсири ҳисобига ушлаб туриладиган ҳар қандай учиш аппарати, ер юзасидан қайтган ҳаво билан ўзаро таъсир бундан мустасно;

хавфли юқ – ҳаво транспортида ташиш вақтида йўловчилар ёки экипаж аъзоларининг соғлиги, парвоз хавфсизлиги ёки ҳаво кемаси бортида жойлашган мол-мулк бутлигига хавф туғдирувчи буюмлар ёки моддалар;

ҳаво кемасининг эксплуатанти – хорижий давлатнинг ҳаво кемасидан фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахси.

5. Рухсатнома ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳаво худуди орқали транзит парвозлар Ўзбекистон Республикаси Аэронавигация маълумотлари тўпламида эълон қилинган манзилга ариза берувчи томонидан парвозни амалга ошириш манзилидан режалаштирилган жўнаш вақтидан камида йигирма тўрт соат олдин тақдим этилган сўровномага ва камида тўрт соат олдин тақдим этилган учиш режасига (flight plan) асосан амалга оширилади.

2-боб. Сўровномаларни тақдим этиш ва рухсатнома бериш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун сўровномалар (кейинги ўринларда – сўровнома) хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантлари томонидан Агентликка бир марталик парвозни амалга оширишдан камида уч кун олдин тақдим этилади.

8. Ариза берувчи рухсатнома олиш учун Агентликка сўровномани инглиз ёки рус тилларда Ўзбекистон Республикаси Аэронавигация маълумотлари тўпламида эълон қилинган манзилларга мавжуд алоқа каналлари (Интернет жаҳон ахборот тармоғи, почта, телефон ва бошқа

электрон алоқа воситалари) орқали ушбу Низомга 2-иловадаги рўйхатда назарда тутилган маълумотларни тақдим этади.

Ариза берувчидан ушбу Низомга 2-иловадаги рўйхатда назарда тутилмаган маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Агентлик рухсатнома олиш учун зарур бўлган маълумотлар рўйхатини ўз веб-сайтига жойлаштиради.

9. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун ариза берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

10. Агентлик сўровнома келиб тушган кундан эътиборан уч кундан ошмаган муддатда сўровномани кўриб чиқади. Фавқулодда ҳолатларда, қидиув-күтқарув ишларини бажаришда, тиббий ёрдам, табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида бир марталик парвозни амалга ошириш учун сўровнома Агентлик томонидан ўн икки соат ичida кўриб чиқлади.

11. Агентлик тақдим этилган маълумотлар рўйхатини кўриб чиқади ва унинг нусхасини “Uzbekistan Airports” АЖ ҳамда “O’zaeronavigatsiya” Markazi” DUKга ҳаво кемасини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш ва келишиш учун юбаради.

12. “Uzbekistan Airports” АЖ бир кун ичida ҳаво кемасининг фуқаро авиацияси аэродромига учиб келиш вақти билан ер усти хизматлари учун тўлов ҳужжатларини кўриб чиқади ва ижобий қарор қабул қилинганда ҳаво кемасини қабул қилишга розилик беради.

13. “O’zaeronavigatsiya” Markazi” DUK бир кун ичida маълумотлар рўйхатини кўриб чиқади, ижобий қарор қабул қилинганда Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш учун розилик беради.

14. Агентлик сўровномани кўриб чиқиш ва тақдим қилинган маълумотларни текшириш натижаларига асосан рухсатномани ушбу Низомга 3-иловадаги шаклга мувофиқ бир кун муддатда расмийлаштиради.

15. Агентлик томонидан бир марталик парвозни амалга ошириш учун берилган рухсатнома бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишга берилган рухсатнома ҳисобланади.

16. Сўровномани кўриб чиқиш натижалари бўйича Агентлик томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тўғрисида;

бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида.

Агентлик қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчига қабул қилинган санадан бошлаб, бир кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар қиласи.

17. Рухсатнома бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:
талаб қилинган маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаса;
тақдим қилинган маълумотлар нотўғри ёки бузиб кўрсатилган бўлса;
“Uzbekistan Airports” АЖнинг ёки “O’zaeronavigatsiya” Markazi”
DUКнинг ҳаво кемасини қабул қилиш имкони йўқлиги ҳақида асосланган
салбий хуносаси мавжуд бўлса.

18. Агентлик томонидан бир марталик парвозни амалга ошириш учун
сўровномани кўриб чиқсанлик учун йиғим ундирилмайди.

19. Рухсатнома унда кўрсатилган ҳаво кемасининг учиш вақтидан
эътиборан 72 соат давомида амал қиласи.


3-боб. Якунловчи қоидалар

20. Агентликнинг қарори, шунингдек, Агентлик мансабдор
шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан ариза берувчи белгиланган
тартибда шикоят қилиши мумкин.

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар
қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларида
бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома бериш
СХЕМАСИ**



Хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво
кемаларининг эксплуатантларига бир марталик
парвозни амалга ошириш учун рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларида
бир марталик парвозни амалга ошириш учун тақдим
этилиши шарт бўлган маълумотлар
РЎЙХАТИ**

1. Ҳаво кемаси эксплуатандинг номи ва фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг таснифи бўйича уч ҳарфли белгиси.
2. Ҳаво кемаси ҳақида маълумотлар:
 - а) фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг таснифи бўйича ҳаво кемасининг тури;
 - б) ҳаво кемасининг танитувчи индекси (парвоз рақами);
 - в) ҳаво кемасининг рўйхатга олинган рақами;
 - г) ҳаво кемасининг учиш-қўниш оғирлиги;
 - д) навигация ва алоқа ускуналарининг тури;
 - е) ҳаво кемаси эксплуатанти ва унинг юридик манзили.
3. Экипаж ҳақида маълумотлар:
 - а) ҳаво кемасининг командири;
 - б) экипаж аъзоларининг сони (уларнинг фуқаролиги кўрсатилган ҳолда).
4. Режалаштирилаётган парвоз ҳақида ахборот:
 - а) парвоз мақсади;
 - б) учиш ва қўниш пункти (фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг кодларида), Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудига кириш ва ундан чиқиш нуқталари (пунктлари) ҳамда ҳисобланган вақти кўрсатилган ҳолда, универсал мувофиқлаштирилган вақтда парвозни амалга ошириш санаси ва жадвали;
 - в) Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудидаги парвознинг йўналиши ва баландлиги;
 - г) йўловчилар (сони, рўйхати, мақоми, фуқаролиги);
 - д) ташилаётган юкнинг рўйхати ва тавсифи (хусусияти);
 - е) ҳаво кемасининг ижарачиси ва унинг манзили;

- ж) Ўзбекистон Республикаси худудида кутиб олувчи томон (реквизитлари);
- з) юк жўнатувчи/юк олувчи (реквизитлари);
- и) бортда қурол ва ўқ-дорилар мавжудлиги.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудида аэронавигация хизматлари учун тўловчининг банк реквизитлари, манзили, телефон ва факс рақамлари кўрсатилган тўлов тури.

6. Ҳаво кемаси бортида хавфли юклар билан бир марталик парвоз амалга оширишилган тақдирда, ариза берувчи Агентликка Бирлашган Миллатлар Ташкилоти рўйхатига киритилган хавфли юкларнинг рақамини кўрсатган ҳолда, ҳаво орқали хавфли юкларни ташиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи сертификатнинг нусхасини тақдим этади.

Изоҳ:

Кўрсатилган ҳаво кемасининг фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида Агентлик ариза берувчидан:

ҳаво кемаси эксплуатантининг сертификати ва унинг иловалари;
ҳаво кемасининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги тўғрисидаги гувоҳнома;
учувчилар экипажи гувоҳномалари нусхаларини сўраб олишга ҳақлидир.

Хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Хорижий давлатлар фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома рақамларини шакллантириш тартиби

Хорижий давлатларнинг фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларига бир марталик парвозни амалга ошириш учун қўйидаги кўринишдаги рухсатнома берилади:

САА UZB 123 / 08 / 2020 TAS, бунда:

- САА UZB** - рухсатнома берувчи органинг, ушбу ҳолатда Агентликнинг қисқартмаси
- 123** - жорий ойда берилган рухсатноманинг тартиб рақами
- 08** - рухсатнома берилган йилдаги ой рақами
- 2020** - рухсатнома берилган йил
- TAS** - Ўзбекистон Республикаси худудида қўниш манзилининг, ушбу ҳолда Тошкентнинг, уч ҳарфли белгиси

